


Адабиётда ўқишли, бадиий етук бир асарнинг ёзилиши, ўқувчилар жавония қалбидан ўрин эгаллаши қанчалар қувончли ҳодиса бўлса, унинг қардош тилда чоп этилиб, бошқа мамлакат кутубхонаю китоб дўконларидан жой олиши минг чандон қувончлидир.



## “АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ” — ТУРКИЯДА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Абу Райхон Беруний” романи “Беруний: Абу Райхоннинг сиймолари” номи билан Туркияда нашр этилди. Асарни “Замонавий ўзбек ҳикоялари” антологияси ҳамда Чўлпон ва Муҳаммад Юсуф шеърларини туркчага ўғирган иқтидорли мутаржим Ҳамза Ўзтуркчи таржима қилган. Ушбу китоб Истанбулдаги нуфузли “Ketebe” нашриётида чоп этилган. Унга халқаро Нобел мукофоти соҳиби, профессор Азиз Санжар сўзбоши ёзган. Ҳозирда Туркиянинг барча китоб дўконларида сотувга чиқарилган.

“Абу Райхон Беруний” тарихий-биографик романи 2020-2022 йилларда ёзилган бўлиб, “Инновацион ривожланиш” наشريёти томонидан 2023 йилда чоп этилган эди. Асарда нафақат буюк алломанинг ўсмирлигидан то ҳаётининг сўнгигача бўлган даври, балки ўша пайтдаги ҳукмрон сулолалар — хоразмшоҳлар, сомониёлар, зиёрийлар, бувайҳийлар, газнавийлар ва салжуқийлар тарихи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар учрайди.

Абу Райхон Беруний ер юзининг диаметрини бугунги ўлчовларга яқин бир тарзда ҳисоблаган ва геодезия илмига асос солган буюк мутафаккирдир. Беруний Ҳиндистонда эканида тригонометриянинг астрономиядан ажратилиши кераклигини илгари сурган ва тригонометрик функцияларни ҳисоблаган. Ўз тадқиқотлари билан Ғарб дунёсида ҳам машҳур бўлган бу олим Ньютондан аввалроқ ернинг тортиш кучидан хабар берган, Галилейдан олдин ернинг шар шаклида эканини айтган. Ҳаёти мобайнида геометрия, тригонометрия, геодезия, минералогия, тиббиёт ва тарихга оид 150 дан ошқ асар ёзиб қолдирган.

Ушбу тарихий-биографик роман “Ketebe” сайтидаги изоҳда: “Олимни ҳурмат қилган киши пайгамбарни ҳам ҳурмат қилгандек бўлади” ҳадиси шарифини шиор қилиб олган, илм, олим ва уламоларнинг қадр-қимматини юксалтирадиган бу кўзни қамаштирар даражада етук роман бугунги кунга юзланиб сураётгандек: “Қачон йўлимизни мунававр қиладиган илми йўлбошчиларга кулоқ тутамиз?” дея таърифланади. Бу ҳам асарга берилган юксак баҳо ва эътирофнинг нишонасидир.

БИЛИМ БУЛОҒИ



## СУЛАЙМОН МУЛКИНИНГ МУҲРИ

Яқинда мактаблардан бирига борган Навоий вилояти ҳоқими Нормат Турсунов ўзини синфхонага таклиф қилган мутасаддиларга “дарсни бузишга ҳеч ким, ҳатто ҳоқимнинг ҳам ҳаққи йўқ” деб айтган гапи ижтимоий тармоқларда анча қизғин муҳокама қилинди. Масъул шахснинг мактаб, муаллим ва ўқувчига нисбатан бундай ҳурмати эътиборга лойиқ, албатта.

Бу ўринда гап Навоий шаҳридаги 8-сонли умумтаълим мактаби ҳақида кетмоқда. Ўтган йилги битирувчиларнинг 64 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилингани бу ерда таълим сифати анча яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Навоий вилояти ўқувчи ёшларнинг олий таълимга қамрови кўрсаткичи юқорилиги билан ажралиб туради. Шаҳар марказидаги 8-мактаб

ҳам ёш авлодга илм беришнинг ўзига хос услубларини кашф эта олган устозлар жамоасига эга даргоҳ бўлиб, қарийб эллик йиллик тарихга эга.

Мактаб биноси 1978 йилда 1570 ўринга мўлжаллаб қурилган. 2020 йилга келиб эса бу ерга билим олиш учун тўрт мингдан ошқ ўқувчи қатнай бошлади.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

## “МЕН ИНСОННИНГ КЎНГЛИНИ, ОРЗУ-АРМОНЛАРИНИ ЧИЗАМАН”

Бадиий академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур билан суҳбатимиз нафақат унинг ижод ва ҳаёт йўли, балки жамиятдаги оғриқли нуқталаримиз ҳақида ҳам кечди...



— Акмал ака, сиз нима сабабдан ижод қиласиз? Рангтасвир сиз учун нима?

— Яшаш учун ижод қиламан. Рангтасвир — менинг ҳаёт тарзим. — Яқинда Ван Гог ҳақида бир фильм кўрдим, унда шундай савол-жавоб бор

эди: “Бу гулларни нега чизяпсан?” “Чиройли бўлгани учун”. “Улар барибир сўлиб қолади-ку”. “Улар менинг тасвирларимда мангу тирик туради”. “Шунга ишонсанми?” “Уларга имкон бераман”. Шу сўзлардан ҳам кўриниб турибдики, ижод жараёнида исён бор,

пешонамизга битилган ўткинчилик қисматига қарши исён. Шоирлар ўз қалбини сўзга кўчиради, сиз рассомлар эса — тасвирга... Бу фикрга қандай қарайсиз?

(Давоми 6-саҳифада) ➔

ИБРАТ

“Мен осмондан пул тушишни кутмайман. Бойлик ҳам, бойликнинг ортидан келадиган шон ҳам меҳнат ва машаққат билан бўлгани яхши. Бекорга меҳнатнинг нони ширин, дейилмайди. Чунки заҳмат чекиб эришилган муваффақиятнинг қадри бўлак”, дейди сурхондарёлик тадбиркор Ислам Худойбердиев.

## САҲРОДАГИ БОҒБОН

У бугун уйдан, оиласидан 1200 километр узоқликда, Оролбўйи минтақасини обод қилиш ниятида чўл кезиб, ниҳол қадаб юрибди. Ислам тадбиркорни у ерга боришга ундаган нарса — халқнинг дарди, элнинг ташвиши. “Ер билан яхши тиллашадиган” миришкор деҳқон эканидан хабар топган қорақалпоқликлар уни Кўнғиротга чорладилар, биргаликда дарахт экиб, бийдай далаларимизда боғ-роғлар барпо қилсак, дедилар.

Дарвоқе, Ислам Худойбердиев 1978 йилда Денов туманидаги Юрчи кўрғонига туғилган. Онаси 48 ёшида саратон касаллигидан вафот этади. Чиркираган тўққиз бола билан тул қолган ота ёлғизлик дардини жигарпораларига меҳр улашиш билан енгади. Фарзандларининг ҳаммасини олий ўқув юр்தларида ўқитади.

— Мен отамдан матонатни ўргандим, — дея гап бошлади Ислам тадбиркор. — Ҳар бир ишда меҳнат ва бардош керак экан. Чорва қилдим — даромадини кўргунча, ер чопдим — ҳосилини йиққунча сабр қилдим. Бир ишнинг бошини тутсам, астойдил енг шимардим, асло этак қоқмадим. Тоғам юз йил яшасанг, юз йиллик сабринг бўлсагина юзага чиқасан, дердилар. Ростдан ҳам шундай экан.

2018 йилда республикаимизда томорқа хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошлангач, Ислам Худойбердиевга Денов туманининг “Намуна” маҳалласидан анчадан буён қаровсиз ётган 2 гектар майдонни ажратиб беришди. Ернинг аҳволи танг эди. У ўйлаб ўтирмай, банкдан 2 миллиард сўм кредит олди. Ёни-



га ўз ҳисобидан 7 миллиард сўм қўшди-ю, ҳар хил ноёб ўсимликларнинг уруғлари, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сотиб олди. Туркиядан келтирилган каштан уруғи, лола дарахти, татар клёни, япон сакурасидан экди. Чидамлилиқ ва ўсиш кўрсаткичига қараб маҳаллий дарахт ниҳолларини ҳам кўпайтирди. Шу тариқа “Чағонийён Агро томорқа хизмати” МЧЖни тузди.

(Давоми 2-саҳифада) ➔







ҲИКОЯ

Осмон кўм-кўк, ер ям-яшил эди. Баҳорги кўёш нурлари дам майсалар узра ястанар, дам ариқдаги сувда жилваланади. Еру кўк орасида эрка шаббод сарсари кезарди. Яйдоқ даладаги якка соябон – марвартак тут остида Саида елкасига скрипка тираб машқ қияпти. У ерга узанган тут шохларига қистирилган нота варақларига тез-тез кўз ташлаганча, ўзини борлик саҳнасидаги ижрочи-ю, тепада эринибгина сузаётган лахтак булутлардан тортиб, "валфажр" айтиб ер бағирлаб чарх ураётган қалдирғочларни ҳам инжиқ мусиқашунос ҳакамлардек ҳис қиларди. Ҳар камон тортиганида юраги қаттиқроқ гупиллаб, ритмини аниқ ҳис қилишига кўмаклашади.

– Саида, ҳо-ой, Саида! Овқатга кел, қизим...  
Онасининг овозидан хаёллари тарқайди-ю, ноталарини йиғиб, уйига йўл олди.  
Хонтахта атрофида жам бўлишган пайт катта синглиси сўраб қолди:  
– Опа, концертда, телевизорда кўрсатишгандек, томошабин кўп бўладими?  
– Ҳм...  
– Сизга ҳам гул беришадими?  
Саида қимтинибгина отасига қаради:  
– Борасизлар-а, дада?  
– Овқатларингни енглар! – чўрт кесди Мирпўлат.

Отасининг тажаниги тутса, болалар мунгайиб қолади. Уларнинг бу маҳзун аҳволи шом пайтидаги номозшомгулли эсларди. Садбар музтар боласига термилиб, сўзга оғиз жуфтлади-ю, лекин шаштидан қайтди. Тинчлик керак! Шаҳарда ўқитаётганига ҳам шуқр. Тўнини тескари қийиб олса, нима қилади? Лекин боласининг кўнгли-чи? "Отаси бормаса, ўзим бораман", – дея кўнглига тугди Садбар.

Кунлар Саиданинг ноталаридек варақланди. Индинга концерт. Садбар бир туғунда ўзи ёлган нон, майиз-туршак, бошқасида мева-чева, тагин... кўйлак билан йўлга тушди. Эғнида қачонлардир Наппи чеварга тиктирган сариқ гулли, сабзаранг кўйлаги, бошида эса ҳарир рўмолию бир дунё чувалган уйлари. Кўзларида ҳаяжон, ёноқларида тонги уфқдай қизиллик. Фақат бу жозибани барвақт тушган ажинлар бузиб турибди. Улар ғам-андух илдизи, оғир турмуш харитасидир балки. У автобусдан ташқарига қараб кетаркан, ойнада болалик хотиралари акслангандек бўлди.

...Юқори синфлигида келган янги мусиқа ўқитувчиси – Зебо опа жуда жонқуяр чиқиб қолди. Шу вақтгача мактаб ўқувчилари торлари узилган эски рубобдан бошқа чолғу кўрмаган эди. Янги ўқитувчи эса туман ва вилоятдаги казо-казо идораларга қатнаб, бир жуфт топ ташлаган дутор, қасқони қийрихон доира яна уринганроқ скрипка ва... ярақлаган пианино ундириб келди. Бу билан ҳам кўнгли тўлмай, дарсдан кейин ҳаваскорлик тўғрисида оиди. Саралаб олинган ўқувчилар орасида Садбар ҳам бор эди. Синфдошлари билан мусиқа хонасига кириб, ботиниб-ботинмай оқ-қора клавишларга нозик бармоқларини теккизар экан, таралган сокин оҳанг уни олис-олисларга, эртақнамо гўзал маъволарга олиб кетарди. Зебо муаллим: "Қойил, ғирт қишлоқи қизда шунча назокату шунча нафосат. Бир ёзувчи айтганидек, сарт боласи – француз", деб ҳазил аралаш ҳайратини яширмасди. Кун сайин юрса ҳам, турса ҳам Садбарнинг хаёлидан мусиқа аримас, ўзи бир бутун тирлик мусиқага айланиб борарди. Мактаб зиналарида – клавишларни, ариқларда – мусиқий жилвани, симёғоч симларида – нота чизиқларини, қалдирғочларда мусиқий белгиларни кўриб, бу кашфиётларидан ўзи ҳам қувониб кетарди. Бора-бора унинг бу

паршонлигию тўғаракка боғланиб қолгани ота-онасини хавотирга солди. Бироқ на ота, на она бир марта ҳам мактабга бориб, қизининг машқини эшитиб кўрмади. Ҳолбуки, Садбар аллақачон бу чолғу билан тил топишган, бинойидек кўли келиб қолганди.  
– Йиғиштир тинғир-тинғирингни! – деди бир кун отаси ваҳожат билан.  
– У тинғирламайди, у пианино, дада... – кўрқа-писа жавоб қилди Садбар.  
– Э, нима фарқи бор! Ундан кўра, ана, сигирга қара! Сутидан барака кетди жониворни. Бутун оилани ризикни қийиб... Бир тўграм нон беряптими ўша пиянинанг? Шунча вақт "хўп" деб келдим, етар энди эркалик! Ҳе ўргилдим...  
– Дада, устозим айтдики...



– Буни мен – отанг айтдим!  
– Уқдим... – Садбарнинг гапи оғзида қолди.

Шундан сўнг мактабга ҳам жўнатмай кўйишди. Кеча узун бармоқлар орасидан нафис куй оқса, энди сигир елинидан тизиллаб илиқ сут оқарди.

Бир куни уни Зебо опа қидириб келди. Ярни сутга тўлган пақирни четга қўйиб, устози сари чопган қизга ўтин ёраётган отаси ўгирилиб қаради. Зебо опа Мирпўлат акага Садбарнинг ўқишидан сўз очди.

– Қизингиз ишонганим, яқинда шаҳарда танлов бўлади, унга Садбарни олиб бораман, кўз қорачигидек асрайман, – деди...  
– Қиз болага пишириб қуйилтими шаҳарма-шаҳар санғишни? – деди отаси четга қараганча қовоғини уйиб.

– Танловда ютиб чиқса, институтга имтиҳонсиз қиради, яхши-ку?  
– Яна қанақа ўқиш? Хат-саводи чиқди, етар. Жа-а индамаса, қандай яшашини ҳам ўргатарсиз? Сиз дуторингизни чалинг. Қолганига эса аралашманг. Бола – бизники. Ҳали-замон узатамиз, деб турибман.

Садбар отасининг бу гапидан донг қотиб қолди. Зебо опа эса баттар қатъият билан:  
– Ҳўп, танлов ҳақида бошқа гапим йўқ. Аммо қизингиз ҳали мактаб ўқувчиси. Уни уйга қамаб ўтиролмайсиз. Бунга қонун йўл бермайди, – деди.

Мулзам тортиган ота кўлидаги болтани тўнкага жаҳл билан урди-ю, суҳбатга нуқта қўйди.  
– Буни мен – отанг айтдим!  
– Уқдим... – Садбарнинг гапи оғзида қолди.  
Шундан сўнг мактабга ҳам жўнатмай кўйишди. Кеча узун бармоқлар орасидан нафис куй оқса, энди сигир елинидан тизиллаб илиқ сут оқарди.  
Бир куни уни Зебо опа қидириб келди. Ярни сутга тўлган пақирни четга қўйиб, устози сари чопган қизга ўтин ёраётган отаси ўгирилиб қаради. Зебо опа Мирпўлат акага Садбарнинг ўқишидан сўз очди.  
– Қизингиз ишонганим, яқинда шаҳарда танлов бўлади, унга Садбарни олиб бораман, кўз қорачигидек асрайман, – деди...  
– Қиз болага пишириб қуйилтими шаҳарма-шаҳар санғишни? – деди отаси четга қараганча қовоғини уйиб.  
– Танловда ютиб чиқса, институтга имтиҳонсиз қиради, яхши-ку?  
– Яна қанақа ўқиш? Хат-саводи чиқди, етар. Жа-а индамаса, қандай яшашини ҳам ўргатарсиз? Сиз дуторингизни чалинг. Қолганига эса аралашманг. Бола – бизники. Ҳали-замон узатамиз, деб турибман.  
Садбар отасининг бу гапидан донг қотиб қолди. Зебо опа эса баттар қатъият билан:  
– Ҳўп, танлов ҳақида бошқа гапим йўқ. Аммо қизингиз ҳали мактаб ўқувчиси. Уни уйга қамаб ўтиролмайсиз. Бунга қонун йўл бермайди, – деди.  
Мулзам тортиган ота кўлидаги болтани тўнкага жаҳл билан урди-ю, суҳбатга нуқта қўйди.

Бекатда тўхтаган автобуснинг тормоз овози ойнадаги хотира тасвирини тарқатиб юборди...  
– Сиз ҳам савдога кетяписми? – дабдурустдан сўради рўпарасига келиб ўтирган тўлагина хотин.  
– Йўқ, қизимни кўргани, – жавоб берди Садбар.  
– Ҳа-а, қизингизни шаҳарга узатганимиз-сиз? Қандоқ яхши!  
– Қизим ҳали ёш, Санъат институтида ўқийди. Эртага концертда чиқади скрипка чалиб, – гурур билан қошларини учирди Садбар.  
– Вой, Санъат институтида дедингизми? Тавба-а. Артис бўладими кейин? Қандай

ширди. Кўли бўшаб, зерикди. Чиқиб подъезд зиналарини арта бошлади. Мактаб зиналарини клавишга ўхшатиб, шодон сакраб юрган пайтлари эсга тушди. У ҳозир уй зиналарини эмас, болаликдаги пианино чангини артаётгандек эди.

Садбар ўшанда отасининг қаҳридан илк бор кўрқмади. Зебо опа туфайли мактабга қайтгач, танлов куни, отасидан сўрамай, шаҳарга кетди. Иштирокчилар навбати Садбарнинг сочидек узун эди. Ниҳоят, у Шопеннинг "Экспромт"ини ижро қилди. Қарсақлар узоқ давом этди, бутун зал дам унинг хусни, дам истевдодига таҳсин ўқирди. Садбар эса Зебо опа совға қилган узун нимпушти кўйлагини бармоқ учида енгил



Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

дай. Тагин шундай номдаги ноёб гул ҳам бор. Фақат аллақайси тоғдаги горда ўсади. Кўёшни умуман кўрмас эмиш-у, ўзидан заиф, нафис куй таратармиш. Композитор бу асарга шу икки маънони ҳам сингдирган...

Садбар қизи айтган сўзлар мағзини чақаркан, куйни тезроқ эшитгиси келди. Концерт бошланишидан дарак бериб, кўнғироқ чалинди. Симфоник оркестрнинг ҳайбатии залнинг маҳобати Садбарни энтиктириб қўйганди. Ана, қизини эълон қилишяпти:  
– "Обливион". Ижро этади: симфоник оркестр ҳамда яккахон скрипкада Турдиева Саида Мирпўлат қизи!"

Қизидан ҳам кўпроқ ҳаяжон босган онанинг энди бутун вужуди қулоққа айланган эди.  
Маҳзун мусиқа сокин тараларкан, аста-секин унинг юрагига сим-сим оғриқлар, аллақандай ёқимли ва ёруғ изтироб куйила бошлади. Куй нотама-нота ҳар бир хужайрасигача уйғотар, томирда оққан аланга қорачигида яллиғланарди. У мусиқа қачон тугаганини сезмади ҳам.

Бир лаҳзалик мўрт сукунатни қарсақлар овози бузди, Саида ногоҳ чўчиб, онасига қаради. Садбар рўмолининг учини лабига босиб ўтирарди...

\*\*\*

Эртасига қишлоққа қайтишди. Қариндош-уруғ тўпланди. Суҳбат сигир-бузоқ, қозон-товоқ, тандир-ўчоқдан... Саидага совчилар келаётганидан ҳам гап очилди. Қош учирлар, пичир-пичирлар, илмоқли луқмалар бўлди. Талаба қизнинг катта саҳнага чиқгани, хорижий танловларда ўринлар олаётгани, ўқишни битирмасидан ишга қақириваётгани ҳақида эса лом-мим дейилмади. Аммо она ўзида йўқ хурсанд эди.

Меҳмонлар тарқаб бўлгач, Саида ҳовлида куймаланиб юраркан, қулоғига скрипка товуши эшитилгандек бўлди. Нукул шунақа. Қишлоққа келди дегунча, қариндошу қўшни болалар скрипкани чалиб кўрсам дейди. Шунда чақалоғи бегона кўлга тушган онадек, қўлларидан скрипкани юлқиб олади. Бу гал ҳам кимдир, кўзни шамғалат қилиб, скрипкага озор беряпти. У шундай хаёл билан хонасига чопди. Қараса...

Садбар кўзларини юмиб олганча, узуқ-юлуқ хотирасида қолган ўша куйни, "Обливион"ни чалмоқчи бўларди. Хонада икковидан бошқа ҳеч ким йўқ. Иккиси ҳам ғира-шира қоронғилик қаёрида. Садбар шу куй орқали бутун ҳаётини чизиб бераётгандек ҳазин нола чекарди. Болалиги, орзулари, ҳивич азоби... Шу жойга келганда скрипка камони бирдан торлар узра ҳивичдай силқинарди. У ўз қисмати устидан аччиқ кулганча, ғам-аламлари бошини камон билан бир-бир кесарди гўё. Рўзгор, хиёнат, йўқчилик... Фор, зулмат, гул... Куй янграган, гоҳ унинг кўзларидан, гоҳ форнинг ичкарасидан тўкилган томчилар куйга кўшилиб кетарди. Симиллаб турган бу оғриқни қизининг ҳадиқ тўла овози тўхтатди:  
– Она!..

ШЕЪРИЯТ



Жамолiddин БАДАЛОВ

Менглихон киссаси

(Махтумқулидан илҳомланиб)

Ғарибким, Махтумқули,  
Хийла билан енгди Хон.  
Юлиб кетдилар гулин,  
Бир гулдурки, Менглихон.  
Дедим: – Моҳитобоним,  
Деди: – Гўё Менглихон.

Кўзаси қалқиб-қалқиб,  
Дарёда оқиб кетди.

Менглихонни юз оптиқ  
Саройга олиб кетди.  
Дедим: – Кўйдинг армонга,  
Деди: – Кўнглидур вайрон.

Чириллаб қолди қизлар,  
На додга улгурдилар.  
Шўрлик йиғитни излаб,  
Қишлоққа югурдилар.  
Дедим: – Товус на жойдан?  
Деди: – Жойи Ҳиндистон.

Манглайдаги битиқда,  
Ҳар банданинг аъмоли.  
Келтирдилар йиғитга  
Менглихоннинг рўймолин.  
Дедим: – Ундан бер манга,  
Деди: – Қиладур бежон.

Тўлгани шу паймона,  
Рўё деса ростдирким.  
Муштин сиқиб, рўймолни  
Лабларига босди жим.  
Дедим: – Юзда ҳолларму?  
Деди: – Юзда гуллар ҳей!

Дедим: – Бу не сарвидур?  
Деди: – Нозик беллар ҳей!

Қаттиқ силқинди сахро,  
Амударё тўлғонди.  
Кўриб кўй, беор дунё,  
Йиғлади мард ўғлонинг!  
Дедим: – Уларман энди,  
Деди: – Қоларсан омон.

Жудо бўлиб ёридан,  
Элқезар ошиқ қолди.  
Ҳасратидан, доғидан  
Бир мунгли кўшиқ қолди.  
"Қўлларимни қайирдинг,  
Золим экансан дунё!  
Гул ёримдан айирдинг,  
Хонин экансан дунё!"  
Дедим: – Сендан кетарман  
Деди: – Кетсанг бор омон!

Бу дунёнинг қорига,  
Бардош берар жоним йўқ.  
Менглихонни ҳолидан  
Сўз айттали ҳолим йўқ.

Дедим: – Бу не замондур?  
Деди: – Бу ҳам туш ўлар.

Ҳижронингда ўлдим-ай!  
Ёшим артсам, енгим қон.  
Кимга чўри бўлдинг-ай!  
Мунгли хоним, Менглихон!  
Дедим: – Эй Махтумқули!  
Деди: – Кўзлар ёш ўлар!!

Мусофир

Қишлоқда  
саҳардан то кечга довур  
онам шосупада кўрпача қовир.  
Йиғлаб ҳам олади:  
"Болам... мусофир...  
Ўрисга кетган" деб.

Ғанимлар ҳар қандай пастликка қодир,  
баридан дўстларнинг дашноми оғир.  
Кулдилар:  
"Муҳаббат балоси охир  
бошига етган" деб.

Оқшом ойга боқиб, сурдингни хаёл?  
Эй, қизлардек лобар, маъсума аёл.  
Кўнглисиз турмушга кўндинг эҳтимол:  
"Тақдир шу экан" деб.

Мен бунда ўзимни қарғаб юрибман,  
совуқ нафасларда яхлаб юрибман.  
Кўйнимда мактубинг сақлаб юрибман  
бармоғинг теккан деб.

\*\*\*

Бу кунлар,  
Бу умр,  
Бу кўнча дунё,  
Саҳролар ловулар, чайқалар уммон.  
Томчиман, зарраман, лаҳзаман, аммо  
Бўзчи моқисидай тинмайман, холос.

Бу қандай ҳолатки, кўниб бўлмайди,  
Қочиб ҳам, чидаб ҳам, ўлиб бўлмайди,  
Нимадир...  
Кўз билан кўриб бўлмайди,  
Фақат товушларини илғайман, холос.

Хотира алафга ўхшаган нарса,  
Шунча чопган билан қошки камайса.  
Биламан, манзилни йўқотмагансан...  
Қачон қайтишингни билмайман, холос.

Саҳролар уммонга ғарқ бўлар балки,  
Уммонлар саҳрога маҳр бўлар балки,  
Дунёлар кўнглига жам бўлар балки,  
Фақат мен кўнглинга сиғмайман, холос.


\*\*\*

Эшикни ёпиб кет.  
Буюмлар,  
Эргашиб кетингдан чиқмасин.  
Мен сени ҳеч қачон унутмам,  
Сен унут.  
Эсингдан чиқмасин.

\*\*\*

Келгунимча йўл қараб,  
Уйқуси ўчган онам.  
Ярим тунми, ё саҳар,  
Дарвоза очган онам.  
Ўлим - қисқа жудолик,  
Жавдираб жаннатда ҳам,  
Болам қани Худо деб,  
Дарвоза очган онам.

Кўйнимда мактубинг сақлаб юрибман





## ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ХАР ДАМИГА  
ШУКР ЭТИНГ

Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асарида шундай дейилади: “Мен ҳеч қачон давр жабр-жафосидан шикоят қилмаган эдим, лекин бир марта нолидим. Ушанда оёқяланг қолиб, ковуш сотиб олишга ҳам қодир эмасдим. Қаттиқ ўқисиниб юрган кунларимнинг бирида пешин намозини ўқиш учун Куфа шаҳридаги Жомеъ масжидига кирдим ва у ерда оёқлари йўқ бир одамнинг таҳорат олаётганига кўзим тушди. У шу ҳолда лаблари пичирлаб сажда қиларди. Шунда мен, ношукр банд, ўзимдан ҳаё қилдим, шукр қилишим лозимлигини тушунганим ҳолда ковушсизлигимга ҳам сабр этдим”.

Биз-чи, шукр қилишни биламизми? Инсон учун моддий эмас, маънавий бойлик муҳимлиги, руҳий поклик саодатлиги, саломатлигининг бўлмаса ҳисобсиз бойлик ҳам арзимаслиги, фарзандсиз дунё шодликлари татимаслиги, қўйинг-ки, ҳаётимизнинг оғриқли нуқталари инсонийлик мезонларининг асоси бўлмиш шукр қилишни билмаслигимизда эмасми? Дунёнинг турли ҳудудларида содир этилаётган ҳалокатлар, бегуноҳ инсонларнинг тўқилаётган қонлари наҳотки бизга шукри эслатмаса... Кеча миллионер бўлган одам бугун бир бурда нонга зорлиги, кеча қасрда яшаётган киши бир онда бошланасиз қолгани, кеча оламларга сигмаётган ёнимиздаги одамнинг бир лаҳзада ёруғ дунёни тарк этиши ҳам ибрат бўлмаса...

Шукр қилайлик, азизлар, ҳар дамига шукр қилайлик, ватан бағридаимиз, юртимиз тинч, хонадонларимиз осойишта, оиламиз бахтиёр, фарзандларимиз саломат, соғинувчи-соғинтирувчи яқинларимиз бор. Демак, ношукрлик қилишга, арзимаган қўйинчиликлардан нолишга маънавий ҳаққимиз йўқ.

Эй, дўст, кўзларимиз тупроққа тўлмасидан олдин кўнгилларимиз шукрга тўлсин. Зеро, умр ўтқинчидир.

Феруза ОРИПОВА  
“Facebook”

## ОҒРИҚ

## НАФС ЕТОВИДАГИ ОДАМ

Машҳур эртақда Зумрад меҳнат-кашлиги, эзгу хислатлари мукофоти ўлароқ уйига хазина-сандиқ олиб қайтади. Бу сандиқ – бахт-саодат, тўкин-сочинлик тимсоли, азоб-уқубатлардан халос бўлиш рамзидир. Қаҳрамон барча қийинчиликларни енгиб, бошига тушган савдоларга сабр қилиб ёруғ кунларга етиб келади. Ҳаётда-чи, ҳаётда ҳам Зумрадининг сандиқини топиш мумкинми? Аксинча бўлса-чи? Топди ҳам дейлик, лекин бундай фараҳбахш онлар умр бўйи давом этадими? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, инсон нега доим бахтни орзу қилади? Бахт деганлари қўл етмас даражада олисдами?

Кўпинча кўча-кўйда норози қиёфадаги инсонларга дуч келамиз. Эрта тонгдан ҳайдовчиларнинг асабийлашиб сигнал чалишлари, бесабаб бақир-чақирлар, навбат талашилар, тунд чехралар динингизни хуфтон қилади. Автобусда кетатуриб ҳам нолишу таъна-дашномлар қулгоингизга чалинади. Беихтиёр одамларнинг кайфияти, уларнинг нимадан норозилиги ҳақида ўйга толасиз.

Кўни кеча пойтахтимиздаги энг нуфузли автосалонлардан бирида кичик ижтимоий сўров ўтказди. Орсудидаги уловни сотиб олганлар дунёдаги энг бахтли одамлар бўлса керак, деб ўйлангиз аниқ. Бироқ юз кишидан саксон тўрттаси ўз турмушидан тўла қониқ-маслигини баён қилди. Аксарияти эса тажанигининг аниқ сабабини айтишга сўз тополмай, “Кўрмаяпсизми, замон шунақа бўп кетган”, деб қўл силтади.

Тўғри, бахтни ҳар ким ўзича тушунади. Кўпчилик ўзида йўқ нарсани бахт деб ҳисоблайди. Ким учундир бу тушунча тансиҳатлики англатса, кимдир буни бойлик ёки тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар камолида деб билади. Файласуфлар бахт кишининг ўзини яхши ҳис қилиши, ҳаётдан баҳра олиши, завқланиши билан боғлиқ, бахтсизлик эса ўзини ёмон ҳис қилиши ва кўп нарсани орзу қилишининг оқибати, дея таърифлашади. БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи “The World Happiness Report” маркази аҳолининг даромади, мамлакат ички ялли маҳсулотининг жон бошига улуши, ижтимоий ҳимоя, турмуш даражаси, тиббиёт ривожу, аҳолининг ҳаётдан қанчалик қониқиши каби омилларни таҳлил қилиш асосида бу борада муайян хулосалар чиқаради.



Маълумотларга кўра, Бутан, Бирлашган Араб Амирликлари, Венесуэла, Эквадор ва Шотландияда Бахт вазирлиги ташкил қилинган. Хитойда 2011 йил ўн олтига кўрсаткич асосида Миллий бахтлилик индекси жорий қилинган. Индексда илмий тадқиқотлар, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги харажатлар инобатга олинади. Бундан ташқари, ушбу ўлчов меъёрларига ҳар бир инсонга хонадондаги тегишли майдон улуши, ҳар минг нафар фуқарога нечта шифокор тўғри келиши ҳам инобатга олинади. Гэллуп жамоатчилик фикрини ўрганиш институти эса ходимлар ўзини бахтсиз ҳис қилганида уларнинг иш унумдорлиги, солиқлар тўлови пасайиши ва соғлиқни тиклаш харажатлари ортиши ҳисобида АҚШ иқтисодиёти йилига 500 миллиард доллар зарар қўриши ҳақида маълумот беради.

Мол-давлат бахтлилик даражасини кўрсатади деб ҳисобловчилар ҳам бор. АҚШнинг Purdue университети олимлари дунё бўйича инсонлар ўзини бахтли ҳис этиши учун қанча маблағ кераклиги борасида тадқиқотлар ўтказишди. Хулосаларга кўра, ўзбекистонликлар фаровон яшаши учун йилига 21 960 доллардан кўпроқ маблағ топишлари керак экан. Хўш, инсоннинг пули кўп бўлса, у ҳаётдан тўла-тўқис мамнун бўладими?

Сўровимиз иштирокчиларининг айрим изоҳлари эътиборимизни тортди. Маълумки, автомобиль сотиб олишга қурби етадиганлар камбағал ҳисобланмайди. Кўпчилик ҳаётда содир бўлаётган кўнгилхиралликларга даромадининг камлиги, уйининг торлиги, тўй қилолмаётгани, қарзга ботгани, фарзандларига сўнги русумдаги улов олиб беролмаётгани ва оилавий низоларни сабаб қи-

либ кўрсатган. Аслида бахт инсонда ҳеч нарсага эҳтиёж қолмаслигида бўлмаганидек, бахтсизлик ҳам орзу-ҳаваснинг бепоянлигида эмас.

Руҳшуносларнинг фикрича, инсон қанчалик фаровон яшаса, ташвишлар ҳам шунчалик ортиб боради. Чунки одамлар ўзларини бошқалар билан солиштира бошлайди. Кўп даромад топиш ишга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Натижада дам олишга вақт қолмайди. Демак, бахтнинг сирини фақат пулда эмас. Борига қаноат қилмай, шукрона келтирмай туриб тўқисликни ҳис этиб бўлмайди. Фақат моддий бойлик билан руҳ ва қалб хотиржамлигига эришиб бўлмайди.

Шарқона дунёқарашда бахт ҳақидаги фикрлар Ғарбдаги қарашлардан тубдан фарқ қилади. Далай Лама ақидасига кўра, бахт икки томонламадир: “Биринчиси, ташқи – яхши уй-жой, пўрим кийим-кечак, садоқатли дўстлар билан маълум даражада ҳаётдан қониқиш ҳис қилиш мумкин. Иккинчиси, руҳий ривожланиш. Бироқ бу икки ёндашув муқобил эмас. Ботиний бахт бўлмаса, зоҳирийсининг ҳам умри қисқа бўлади”. Руҳий ҳаловатга эса нафсни тарбия ва таъзия қилиб эришилади. Луқмони Ҳаким ўз ўғлига нафсини англаш ҳақида шундай таълим берган: “Эй ўғлим! Аввало нафсиндан эҳтиёт бўл. Чунки ҳар нафсининг бир ҳавоси, нафсоний истаги бор. Агар нафсга нафсоний истакларини берсанг, тобора йўлдан озади ва кўпроқ ва турфа нарсаларни истаёт бошлайди. Чақмоқшоша олов яширин бўлгани каби нафсоний орзулар ҳам қалбда яшириндир; ёқсанг порлар, ўз ҳолига қўйилса, бекиниб туради”, деган экан.

Инсон ўз нафсининг етотида экан, дунёдаги барча бойликларни қўлга киритса ҳам унга камлик қилади, умри армон ва таассуф билан якун топади. Муборак ҳадисларда айтилишича, “Кимки тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйда бир кунлик егулиги бор экан, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар муҳжасан”.

Демак, бахт бойликдагина эмас, қалбимиздаги ҳаловат, шукр ва қаноатдир. Аслида ҳар бир олаётган нафасимиз, бу дунёда борлигимиз, кимларгадир кераклигимиз ва ҳалқ ибораси билан айтганда, “ширин ташвишларимиз” ўзбекона бахтининг нишонасидир.

Муяссар ИБРОҲИМОВА

## БОНГ

## БИЗНИ ҚИЙНАЁТГАН САВОЛЛАР

Кейинги йилларда вояга етмаганлар, хусусан, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар сони ошиб бораётгани ташвишли ҳол.

Муаммонинг илдизини топиш ва унинг олдини олиш бўйича қандай ишлар қилинмоқда? Бу саволга жавоб излашдан олдин болалар ўртасида қайси жиноят турлари ортиб бораётганига доир маълумотларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган 2023 йил давомида республика бўйича мактаб ўқувчилари томонидан 1502 та жиноят содир этилган бўлиб, бу 2022 йилдагига нисбатан 288 та кўп. Бу ўринда биз жиноятга қўл урган ўқувчилар сони эмас, айнан жиноят тури ҳақида тўхталмоқчимиз. Айрим жиноятлар бир гуруҳ болалар томонидан содир этилгани назарда тутилса, қонунбузарлар сони анча кўпчиликни ташкил қилгани маълум бўлади. Яъни, 2023 йилда салкам уч минг (бундан ўн йил олдин, яъни 2014 йилда 918 нафар) ўсмир қонунни бузган. Демак, битта жиноятга таҳминан икки нафар ўқувчи тўғри келади. Хуллас, аҳвол биз ўйлагандан кўра жиддийроқ.



Афсуски, вояга етмаганлар ўртасида ўзгаларга оғир тан жароҳати етказиш жинояти 160 тага ошган. Бу нимами англатади? Болаларнинг шунчаки дўппошласиши ёки уруш-жанжали оқибатида 324 та (2022 йилда 164 та бўлган) шу турдаги жиноят содир этилмаса керак. Яқинда ижтимоий тармоқда бир-иккита мактаб ўқувчисининг ёнида пичоқ олиб юргани ҳақида ўқигандим. Хўш, жиноят қилган ўқувчиларнинг қанчаси жангариллик ва зўравонлик тарғиб этилган фильмлар таъсирида шундай аҳволга тушди экан? Албатта, уларнинг аксарияти мактабда эмас, ундан ташқарида, асосан бўш вақтида, носоғлом муҳитда ҳуқуқбузарлик кўчасига кирган. Таҳлилларга кўра, жами жиноятларнинг қарийб учдан бири кечки соат 17 дан кейин содир этилган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида илк бор видеофильмлар тарқалганда қўл жанги тўғрақлари ҳам оммалашган эди. Ушанда

ўғил болалар орасидан кўплаб зўравонлар етишиб чиққанини эслаш қийин. Бугунга келиб, ўша пайтда яширинча томоша қилинадиган видеофильмлар ҳолва бўлиб қолди. Ҳозир истаган ўқувчи ўзининг телефонида хорижда ишлаб чиқарилган ва ахборот хуружи тарзида зўравонлиги беҳаёликни тарғиб этаётган фильмларни кўриши мумкин.

Ўтган йили ўқувчилар орасида 45 та номусга тегиш жинояти содир этилган. 2022 йилда 7 та шундай жиноятга қўл урилгани назарда тутасан, демак, бир йилнинг ичида ушбу жиноят тури 38 тага кўпайган, яъни 6-7 баробар ошган. Тасаввур қилиш қийин: ҳеч қачон бунчалик кескин ошиш қайд этилмаган бўлса керак. Интернетдаги беҳаё фильмлар эндиликда кичик-кичик лавҳалар тарзида ишлаб чиқилиб, дунёга тарқатилляпти. Ким, қайси ташкилот бунинг олдини олиши мумкин? Хоразмда содир бўлган воқеаларни эслаб ўтирмаймиз. Ҳали мустақил ҳаёт оstonасидан ҳатламаган, оқ-қоранинг фарқига етмаган қизларда нима гуноҳ? Бу борада қандай амалий чоралар кўрилади?

Яна таҳлилларга ўтамиз. Ўқувчилар орасида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 15 тага ошган, яъни 10 тадан 25 тага кўпайган. Эртага ўша 25 нафар ўсмир ўз ёнига яна 25 нафар тенгдошини тортмаслигига ким қафолат беради? Байрамларда барчамизни безовта қиладиган оддийгина “пақилдоқлар” чегараларимиздан қандай олиб ўтилаётганини билмайдиган посбонларимизнинг мактаб ўқувчилари орасида тарқалиб бораётган гиёҳвандликнинг йўлини тўсишга қурби етадими? Ҳозир бундай моддаларнинг тури янада кўпайиб борапти.

Бу ўқувчиларнинг қанчаси ёши катталарнинг жиноий гуруҳларига адашиб кириб қолган? Анча қиммат нарҳда пулланадиган

оғуни оддий мактаб ўқувчиси қаердан топиши мумкин? Дейлик, гиёҳвандликка алоқадор жиноятлар фош этилганда ўқувчиларни шу йўлга бошлаган катта ёшдагилар жазосини олдимиз? Улар кимлар?

Шунингдек, ўғрилиқ 36 тага, безорилиқ 35 тага кўпайган. Ачинарлиси, мактаб ўқувчилари томонидан 6 та ҳолатда қотилликка қўл урилган. Албатта, бундай афсусланарли ҳоллар мактабда, маҳаллада муҳокама қилинган, қўшимча чора-тадбирлар белгиланган. Аммо аввалроқ зарур чора-тадбир қўрилганида уларнинг олди олинган бўларди.

Айб кимда? Ўқувчилардами, уларнинг ота-оналаридами? Мактабдами? Муҳитдами? Менимча, барчасида! Аммо уларнинг қайси бири билан қандай тарбиявий ишлар олиб боришни ким билади? Фақат тарғиб-бот-ташвиқот билан иш битмайди.

Энди айрим саволларга жавоб излаймиз. Биринчидан, ҳозир ўқувчиларга ҳуқуқий таълим бериш қай аҳволда? Дарслик китоблар таъминоти, ўқитувчиларнинг сифат таркиби, малака ошириш кўрсаткичлари талабга жавоб берадими? Қонунни бузса жавобгарликка тортилиши ҳақида ўқувчи қай даражада ҳабардор? Ҳуқуқий таълимга қўшимча равишда бошқа қандай тадбирлар ўтказилади, деган саволга ҳам тайинли жавоб топиш мушкул. “Сиз қонунни биласизми?” сингари танловларда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси ҳам кўнгилдагидек эмас.

Иккинчидан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича илмий-педагогик асосланган илғор иш тажрибаларига етарли эътибор қаратилмаяпти. Яқинда янгилик тарзида кўтарилган “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепцияси аслида ўтган асрнинг 80-90 йилларида ишлаб чиқилган ва узоқ йиллар амалда қўлланилган йўриқнома бўлиб, бугунги

давр нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқиши лозим.

Учинчидан, ўқувчиларнинг бўш вақтинини мазмунли ўтказишга қаратилган спорт-соғломлаштириш, мактабдан ташқари таълим муассасалари, яъни “Баркамол авлод” мактаблари фаолиятини давр талабига мослаштириш талаб этилади. Хўш, уларда ўқувчилар қамрови неча фоиз? Умуман, мактабдаги фан тўғрақлари, спорт секциялари ҳам амалда ишлаши керак. Тўлиқ икки навбатда ишлайдиган мактабларда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, борми? Бир нарса дейиш қийин. Бу борада кейинги йилларда моддий-техник базаси мустаҳкамланган мусиқа ва санъат мактабларига самарали фаолият кўрсатмоқда, дейиш мумкин.

Бугун мутахассислар мактаб ўқувчиларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи турли ахборот хуружлари, катталар орасидаги жиноятга мойил гуруҳлар, оилалар, носоғлом муҳит сингари ижтимоий хавфлардан ўқувчиларни сақлашнинг янги, самарали усуллари устида жиддий бош қотириши лозим.

Юқорида айтилгани сингари айрим жиноят турларининг кескин ортиб кетишининг туб илдизлари қаерда? Буни Ички ишлар вазирлиги ёки Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги бирон илмий-тадқиқот муассасаси чуқур таҳлил қилиб бера оладими? Аслида шундай ташкилот борми? Яъни масалага чуқур илмий-педагогик ёндашув керакми?..

Биз мана шундай оғриқли саволларга жавоб топмасак, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишга, умуман, бу муаммони бартараф этишга эришувимиз қийин кечеди.

Хумоюн АКБАРОВ





ЮРТ ҚАЙҒУСИ

# КУРАШХОНА


## КЎЗҒОЛОНИ

1916 йил 25 июнда Чор Россияси подшоси Николай IIнинг Туркистон, Сибирь ва Кавказ ўлкаларидаги рус бўлмаган аҳоли вакилларида 250 минг эркакни фронт орқасидаги турли ишларни бажариш учун сафарбар қилиш ҳақидаги фармони қабул қилинади. Тарих саҳифаларида мардикорликка олиш воқеаси сифатида муҳрланган ушбу жараёндаги ноҳақлик, адолатсизлик ва фирибгарликлар шундоқ ҳам ночор ва забун ҳаёт кечираётган оддий халқнинг сабр-косасини тошириб юборади. Натихада ўлкасининг турли чеккаларида бирин-кетин кўзғолонлар юз бера бошлади.



Мустамлакачи маъмурларнинг расмий маълумотларига кўра, ўша кезларда биргина Фарғона водийсининг ўн етти ҳудудда тўқнашувлар содир бўлган. Шундай воқеалардан бири 1916 йил 11 июлда Наманганда ҳам рўй беради. Наманганликларнинг сафарбарликка қаршилик кўрсатиши, норозилик намоишлари охири-оқибат очик кўзғолонга айланиб кетади. Исёнчиларнинг аксарияти камбағал деҳқонлар, қосиб ва хунармандлар бўлиб, улар тенгсизлик ва ҳақсизликка қарши курашиш учун майдонга чиққан эди.

Шу куни мазкур шаҳарнинг Лаббайтога даҳасидаги Курашхона майдонида бир ярим минг одам тўпланиб, оқсоқоллардан мардикорликка чақирилувчилар рўйхатини йиртиб ташлашни талаб қилади. Лаббайтога даҳасининг қозиси фавқуллода воқеа ҳақида дарҳол приставга хабар етказди. Пристав В.Домбровский тиш-тирноғича қуролланган ҳарбий қисм билан етиб келади. Эркаклар, аёллар ва болалардан иборат оломон чор маъмуридан сафарбарлик рўйхатини тузишни тўхташтириш талаб қилади. Ҳалаён кенгайиб кетганидан хабар топган капитан Румянцев ҳам ўз ротаси билан етиб келиб, норозии оломонни тинчлантиришга уринади. Лекин унга ҳеч ким қулоқ солмайди. Шундан сўнг Курашхона майдонида пулемёт билан қуролланган рота чақирилади. Тўпланганлар аскарлардан чўчиш



Акбарали Мўминов

ўрнига "Урушда ўлгандан кўра, уйда ўлган афзал!", "Мардикорликка одам бермайми!", дея хайқиради. Румянцев эса дабдурустан аҳолини ўққа туттишга буйруқ беради. Пристав В.Домбровскийнинг эътирофи этишича, қуролсиз кўзғолончилар, катта талафот кўрганга қарамай, ҳарбийлар билан мардона курашган, полицияга ҳужум қилиб, пристав Федоровнинг тўл-понасини тортиб олмоқчи бўлишган, ҳатто кўзғолончи Жамолддин Увайсов бир полициячининг қилчичини тортиб олган. Отишма оқибатида кўплаб кишилар ҳалок бўлади, яраланади.

Маълумотларга кўра, ярадорлар орасида уч аёл ва бир нафар ёш бола ҳам бўлган.

Ўша куни уч ярим соат давом этган бу кўзғолон Наманган халқи ҳаётида учмас из қолдирди. Кўзғолон қатнашчиларидан саксон тўрт киши турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Архивда сақланаётган кўзғолонга доир ҳарбий суд материалларида қайд этилишича, кўзғолонни ташкил этишда сартарош Ғофур Хўжа, дурадгорлар Абдурахмон Розикбоев, Йўлдошхўжа Усмонхўжаев, сувоқчи уста Йўлдош Мирзаев, этикдўз ака-укалар Усмон Қори ва Равшан Қори Халфаевлар, ишчи Юнус Ёқуббоев, тўқувчи Дадабой Орифбоев ва бошқалар ташаббускор бўлиб, тўқнашув чоғида мардона ҳалок бўлади.

Ушбу машъум воқеа таъсирида Капа волостининг Шўркўрган, Уйчи волостининг Ёркўрган, Қизил Ровот ва Машад, Наманган волостининг Уйғур, Тошқўрган, Тепакўрган, Пешқўрган, Тергачи волостининг Чиндовул қишлоқларида ҳам мардикорликка олишга қарши кўзғолонлар бўлиб ўтган.

Охири-оқибат Наманган уездининг деярли барча волостларидан кўплаб кишилар фронт орқасида меҳнат қилиш учун мажбуран Россияга жўнатилган. Мардикорлар ҳарбий ва саноят корхоналарида, конларда, темир йўллар қурилишида, ўрмонлар ва айрим капиталистларнинг хўжаликлариди

каттиқ назорат остида бетиним ишлаб, очлик, хўрлик ва машаққатли меҳнатдан кўп азият чеккан. Баъзилари турли касалликлардан вафот этган ёки умрбод ногирон бўлиб қолган.

Республикамиздаги музей ва архивларда Наманганда 1916 йил июлда рўй берган воқеаларга доир материаллар, кўзғолон иштирокчиларининг суратлари сақланади. Хусусан, Гаврилов томонидан 1940 йилда чизилган тарихий жанрдаги 150x100 ўлчамдаги "Курашхона кўзғолони" номли картина КП-16254 рақами остида Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланмоқда. Ушбу картинада 1916 йилда Курашхона майдонида кўзғолон қатнашчиларининг пулемётдан ўққа тутилиши тасвирланган. Шунингдек, кўзғолон қатнашчилари Акбарали Мўминов, Муҳиддин Матқаримов ва Абдухалил Содиковнинг суратлари мавжуд.

Эрқарвар ўзбек зиёлиларининг истиқлол йўлида олиб борган кураши 1991 йил сентябрь ойда юртимизда ҳақиқий мустақил давлат ташкил этилиши билан ўз якунига етди. XX аср аввалидаги давр тарихининг бу саҳифалари келгусида жиддий тадқиқ этилиши ва ундан зарур хулосалар чиқарилиши лозим.

**Муқаддам УСМОНОВА,**  
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

**Абдуваҳобов Абдуллахон Тўра** – 1879 йил Андижон шаҳрида туғилган. Жанг вақтида қизил армия қисми томонидан қўлга олинган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, ҳибсга олинган вақтда "Чикиндихомашё" ходими бўлган. Колхозчилар ва таълим олаётган ёшлар орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 4357-сонли иш бўйича 1937 йил 22 июлда отувга ҳукм қилинган.

**Акрамхўжаев Маҳбубхон** – 1883 йили Каттакўрган шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, ҳибсга олинган вақтда дўкон мудури бўлган. Аҳоли орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. 1370-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

**Раҳматбоев Мулла Лутфи** – 1867 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. 1927 йили аксиланқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган. 1932 йили махсус по-сёлкага сургун қилинган ва сургун жойидан қочишга му-ваффақ бўлган. 1936 йили чайқовчилик қилгани учун жавобгарликка тортилган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 5769-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

**Раҳматуллаев Исматулла** – 1883 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, "Наши маориф", "Анжумани маориф" аксиланқилобий ташкилотлари аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда ку-тубхона мудури бўлиб ишлаган. 1362-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, хо-тин-қизлар овозлигига қарши фикр билдирганликда ай-бланган.

**Низомиддинов Мирза Пули** – 1884 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда савдо базасида товаршунос бў-либ ишлаган. Аҳоли орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган. 5775-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

**Сулаймон Салоҳиддин** – 1888 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. 1923 йили Афғони-стонга қочиб кетиб, 1933 йили қайтиб келган. Аксиланқ-илобий фаолияти учун жавобгарликка тортилган. Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Аҳоли орасида очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда ай-бланган. 5770-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 12 сен-тябрдан ҳисобланган.

**Ҳамидбоев Қори Зиқр** – 1870 йили Самарқанд шаҳри-да туғилган. 1923 йили аксиланқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, ВКП(б)нинг собик аъзоси. 1933 йили партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўл-маган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда ай-бланган. 1379-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 авгу-стдан ҳисобланган.

**Каримов Мирза Хол** – 1891 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. 1920 йили ВКП(б) сафидан чиқарилган, "Мил-лий иттиҳод" ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда омбор мудури бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида аксиланқ-илобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 5765-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган.

**Раҳматуллаев Теляу** – 1895 йили Бухоро шаҳрида туғилган. 1936 йили ВКП(б) сафидан чиқарилган. "Мил-лий иттиҳод" ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда чойхона мудури бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, хотин-қизларни озод қилишга қарши фикр билдирганликда айбланган. 1384-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо му-ддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

**Ҳакимов Мавлон** – 1905 йили Тошкент шаҳрида туғилган. "Ислоом", "Ёшлар", "Уюшма" ташкилотларининг раҳбари ва ташкилотчиси. Жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда босмахонада ҳарф терувчи бўлиб иш-лаган. Атрофига миллатчилик кайфиятидаги кишиларни тўпланганликда, аҳоли орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 4691-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо му-ддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган.

**Бўрихон Шонжон** – 1878 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда хизматчи бўлиб иш-лаган. 52-сонли иш бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. "Иттиҳод ва тараққий" ташкилотининг аъзоси. Аҳоли орасида аксиланқилобий, мағлубиятчилик тарғи-боти олиб борганликда, яқин орада ҳокимият ўзгариши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Юсуфхўжаев Усмонхўжа** – 1875 йили Тошкент шаҳри-да туғилган. 1932 йили колхозда ўғирлик қилгани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган. Жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 4310-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. "Шўро Ислоом" ва "Миллий иттиҳод" ташки-лотлари аъзоси. "Миллий иттиҳод" ташки-лотлари раҳбари Садриддинхон Шарифхўжаев раҳбарлиги-даги тўдаларни кузатган, хотин-қизлар овозлигига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор,

**Нигорахон АКБАРОВА,**  
илмий ходим  
(Давоми келгуси сонда).

ТАБДИЛ



XX асрнинг 20-йилларида Москва Давлат театр санъати институтида ўқиган Қори Ёқубий (Муҳиддин Қори Ёқубов)нинг мазкур мақоласи-да ўзбек куйларини келажак учун сақлаб қолиш, хусусан, уларни нотага солишда фонограф – овоз ёзиш ускунасида фойдаланиш зарурати айтилади. Ғарб санъатидан фарқли ўлароқ, Шарқ мусиқаси табиатида кўра алоҳида ёндашувни талаб этади. Мақолада тилга олинган айрим ма-салалар ва тарихий шахслар бугунги кунда ўзбек мусиқашунослиги ўтмишини ўрганиш учун муҳим саналади.

ТАҲРИРИЯТ

Узоқ йиллардан бери халқ бастакорлари ва шоир-ларимиз томонидан ёзилиб, халқ шоирлари оғзидан айтилиб келинган, ота-боболаримиздан мерос қола-ётган қимматлик, бой ўзбекча куйлар замоннинг ўти-ши билан йўқолиш даражасига келиб қолмоқдалар. Замон ўткан сари турмуш ўзгариши ва бунга қараб халқнинг фикри, ҳиссиёти ўзгарганидек, халқ шоирлар-ининг ижодиётида ҳам бир қанча янгилликлар яратил-моқдадир. Илгари борган сари эски куйлар узоқ бур-чакларда, эски халқ шоирларидагина қолмоқдадир.

Бу кетишда бир неча йил ўтмасдан эски ўзбек куй-лари орамиздан йўқолади. Янги бир асар яратмоқда эскилар анча ёрдам берадир, эскини билганда янги-лар анча мукамал бўладир.

Мана бунинг учун эски куйларимизни сақлаш чора-сини ҳозирдан кўришимиз керак.

Оврупо мусиқасига, куйларига назар солсақ, ҳар бир куйни нотага солиш билан сақлаб келмақда экан-лигини кўрамиз. Бизда нота йўқ. Нота бўлганда биз ҳам куйларимизни сақлаб қолган бўлар эдик. Бу куй-ларнинг йўли, мақоми, тузилиши ва халққа бўлган

## ЎЗБЕК КУЙЛАРИНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН?

таъсироти билан янги насларимиз ҳам ошно бўлиб, шунинг орқасида ўзбек мусиқасида ўзбек тарихи та-раққиётини йўқотмасликка эга бўлар эди.

"Ажабо, биз ҳам куйларимизни Оврупо нотасига олиб, доим сақлаб келсак бўлмайдими?" деган бир фикр майдонга чиқиши мумкин. Бу жуда яхши фикр. Фақат ўзбек куйларининг нотага олинишини ўйлагони-мизда яна шундай бир масала келиб чиқадики, ўзбек куйларини ҳозир нотага оламизми, йўқми? Башарти олинганда бизда нота йўқ, албатта, Оврупо нотасига олинадир. Менимча, Оврупо нотасига олиш мумкин эмас. Бизнинг ўзбек куйларининг кўпиди чорак ва нимчорак товушлар бор. Мана бу товушларни олмоқ учун Оврупо нотаси етишмайди, буларсиз бизнинг куйларни нотага олиб бўлмайдир. Мен бунни ўз тажри-бам билан кўрдим. 1923 йилда Москвада таъхилда вақтимда мусиқийшунос ўртоқ Мирунов билан бир-ликда кўп ҳаракатлар орқасида бир неча ўзбек куйла-рини нотага олдирик, бостирик чиқардик, шунингдек, ўртоқ Успенский тарафидан "Шашмақом" ва бошқа куйлар нотага олинди.

Энди бу Оврупо ноталари билан йиғилган ўзбек куйларини чалдирик ўқутиб кўрсак, ажабо, асл куйни эшита оламизми? Шунга қаноатланамизми? Албатта, йўқ.

Мен ҳали айтиб ўткан нотани босдирик чиқарганда анча муваффақият қозондик, деган эдим. Лекин ҳо-зир текириб кўрсам, бутунлай янглиш экан. Ҳали-гидек чорак, нимчорак товушлар бўлмагондан куйни айнан ифода эмас экан. Ҳозир ўшал ноталарга ўзим ҳеч бир қиймат бермайман. Албатта, бошқалари ҳам шундай. Сўнгра мен Русия ва ғарбий Оврупога қилган саёҳатимда уларнинг кўп мусиқийшунослари билан сўзлашдим. Улар Шарқ куйларини сақлаш учун Овру-по чолгу асбобларидан бошқа Шарқ учун алоҳида бир ускуна ясаб, шунинг воситаси билан иш кўришни маъ-қул топадилар. Шарқ учун айрим йўл тутилишини, айниқса, овруполик машҳур мусиқийшунос профес-сор Шумман жуда тўғри топадир ва ўзи-да шу йўлда ортиқ даражада ишлагандир. Чунончи профессор

**Қори ЁҚУБИЙ,**  
Ўзбекистон халқ ашулачиси

Шумман "фунуграф" ускунаси воситаси билан Шарқ куйларидан ўн беш мингга яқинини тўплаган ва бу куйларни нотага солиш чорасини излаб, натижада ўзи Шарқ куйлари учун пиёнига ўхшаш бир чолгу ихти-ро эткан. Бу ҳалиги чорак, нимчорак товушларни бера оладир. Профессор Шумман Шарқ куйларини чалиб, нотага солиш мумкин эканини билдирадир. Фақат бир ачинарли ҳол борки, Шумман бу чолгунини ўзи чиқорган бўлса ҳам чала олмайди. Бошқаларнинг ҳам қўли-дан келмайди. Фақат у чолғуда ул товушларни тайин эта оладир. Энди нима қилиш керак? Шундай кета бе-раимизми?

Куйларни тўплаш учун Оврупода, хусусан, Герма-нияда "фунуграф" деган ускуна бор. Уни ҳаракатга кетириб туриб куйлаган вақтда, граммофонга ўхшаб бутун овозини ўзига йиғиб оладир. Иккинчи қайта-риб ҳаракатга кетирсангиз, ҳалиги айткан куйингиз-ни айнан, ҳатто ўз овозингиз билан ўзингизга айтиб берадир. Биз ҳозирча шу ускунадангина фойдалана оламиз. Бу ускуна билан тўплагон куйни 30-40 йил сақлаш ҳам мумкин (Комиссарлар шўросининг раиси Файзулла Хўжаев олдирикмоқ учун Германияга спорти берди, тезда келиб қолса керак).

Оврупо нотасига ўзбек куйларини ҳеч олиб бўлма-йдир эмас, бўладир. Фақат ҳаммасини эмас, баъзи бир кичик куйлар Оврупо нотасига жуда ёпишиб келадир. Аммо ҳалигидек чорак ва нимчорак товушлиқ куйлар яна эски ҳолида қолади. Буларни юқорида айтилган ускуна воситасида олмоқдан бошқа чора йўқ.

Бу тўғрида мусиқа хаваскорларидан ўз фикрларини матбуот орқали айтиб ўтишларини ва маслаҳат бери-шларини кутиб қоламиз.

"Ер юзи",  
1926 йил 11-сон.

**Нилуфар НАМОЗОВА,**  
Забаржад БОБОЖОНОВА нашрга тайёрлади.

